

УЎТ. 633.111: 632.488

**БУҒДОЙДА *FUSARIUM* SPP. ВА *ALTERNARIA* SP. ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ
ЗАРАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ****Б.Файзуллаев****А.Тоштемиров****Д.Омонкулов***Ўсимликлар карантини ва ҳимояси
илмий-тадқиқот институти Самарқанд филиали*

Аннотация: Изучали распространение фузариозного гнили на озимой пшенице в Южных районах и средней части Зарафшанской долине. А также было изучено заражаемость такими опасными грибковыми возбудителями как *Fusarium spp.* и *Alternaria sp.* на пшенице. Было рекомендовано интегрированной и агротехнических методы борьбы против этих болезней.

Ҳозирги вақтда республикамызда ғўза-буғдой жадал навбатлаб экилиши фермер хўжаликлари учун ҳар тарафлама қулай бўлмоқда. Аммо, тупроқларда бир-неча йиллардан буён яшаб келаётган ёки ғўза ва буғдойга мослашган факультатив ва облигат паразит замбуруғлар тур таркибининг ошишига замин яратилмоқда. Ушбу фитопатоген замбуруғлар ўсимликлар ризосферасида тўпланиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилади.

Буғдойда бошоқ ва илдиз чириш фузариози касалликлари жаҳоннинг кўплаб давлатларида хавфли касаллик ҳисобланади. Ушбу патоген замбуруғлар туфайли ғалла экинларининг зарарланиш даражаси йилдан-йилга ошиб бориши кузатилмоқда.

Хориждаги илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан ўтказилган тажрибаларида буғдойда учрайдиган *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғ турларидан 17 та тури ўзидан ўсимликларга ва дон ва дон маҳсулотларини истеъмол қилган организмларда касаллик қўзғатувчи микотоксинлар (ТрМТ, ФУМ, ЗЕН, ЭНН, МОН ва бошқ.) борлиги аниқланган [1]. Аниқланган замбуруғ турларидан Тошкент вилояти шароити ғалла майдонларида деярли барчаси учраганлиги кузатилган [3].

Кузги буғдойда илдиз чириш фузариози касаллигини тарқалишини ўрганиш мақсадида 2020-2021 йиллари Зарафшон воҳасининг марказий (бўз тупроқлар) ва шимолий минтақаларда (ўтлоқи аллювиал тупроқларда) маршрутли кузатувлар олиб борилди. Факультатив паразит ва облигат сапротроф замбуруғларнинг турларини аниқлаш ва бир-биридан фарқини ўрганиш мақсадида, кузатилган ўсимлик намуналари олиб келиниб Дудка И. (1982) ва Watanabe Т. (2012) John F. (2006) услублари асосида микологик таҳлиллар ўтказилди. Таҳлиллар Тошкент давлат Аграр университети Самарқанд филиалининг фитопатология лабораториясида амалга оширилди. Микологик таҳлиллар натижасида 69 фоиз *Fusarium spp.* замбуруғлари,

16% *Alternaria* sp. ва облигат сапротроф замбуруғлардан 8% *Aspergillus* spp., 5% *Pensillium* spp. ва 2% *Mucor* sp. замбуруғ турлари кузатилди.

Олиб борилган кузатувлар жараёнида Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станцияси катта тажриба майдонида касалликнинг тарқалиши униб чиқиш фазасида 35,44%, гуллаш даврида эса 22,1% бўлганлиги, Ургут тумани “Турсунпўлат Хамид Файз” фермер хўжалиги ғалла майдонларида униб чиқиш фазасида 33,3%, мум пишиш фазасида 12,0%, Булунғур тумани “Алишер Навоий” ММТП “Мадад” ф/х да униб чиқиш фазасида 26,0%, пишиш фазасида эса 31,2% бўлганлиги кузатилди.

Зарафшон воҳасининг жанубий худудларида жойлашган Пахтачи ва Каттакўрғон туманларида бундай замбуруғлар билан зарарланиш даражаси бир оз пасайиши кузатилди. Жумладан, Пахтачи тумани “Обод дехқонобод” ММТП “У.А.Каромат” фермер хўжалигида униб чиқиш фазасида 16,0, мум пишиш фазасида 14,2, Каттакўрғон тумани М.Султонов ММТП “Нурли замин” фермер хўжалигида эса униб чиқиш фазасида 21,1%, мум пишиш фазасида 12,0%. илдиз чириш фузариози касаллиги билан зарарланганлиги кузатилди. Бунга сабаб мазкур туманларда нисбатан куруқ ва иссиқ иқлим шароити мавжудлигидир. Ушбу далаларда илдиз чириш фузариози касаллигидан ташқари қора бошоқ, қора муртак ва илдиз чириш касалликларини қўзғатадиган *Alternaria* sp. (*Alternaria alternata* (Fr.) Keissl. замбуруғига кўпроқ ўхшаш) замбуруғи учраганлиги аниқланди. Олинган натижаларга кўра ушбу тупроқ патогенларининг тарқалиш ареали кўрсаткичлари уларга қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда асосий эътиборни касалликнинг олдини олиш ва агротехник тадбирларига қаратиш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Гагкаева Т.Ю., Гаврилова О.П., Левитин М.М., Новожилов К.В. Фузариоз зерновых культур. Приложение к журналу «Защита и карантин растений» №5, 2011 г. С.5
2. Дудка И.А. Вассер С.П. Елленская И.А. Методы экспериментальной микологии. – Киев: Наукова Думка, 1982 г. – 552 с.
3. Маннанов Р. Н. Взаимоотношение почвенных антагонистов с некоторым фитопатогенами, вызывающими основные болезни хлопчатника (гомоз, корневая гниль фузариоз) и пшеницы (корневая гниль): Автореф. дис. ... док. биол. наук. – Ташкент: ТашГУ, 2011. - 40 с.
4. John F. Leslie., Brett A. Summerell. The *Fusarium* laboratory manual//Blackwell Publishing, 2006. P. 399.
5. Watanabe T. Pictorial atlas of soil and Seed Fungi: Morphologies of Cultured Fungi and Key to species. – 2 nd ed. CRCRressLLC, 2012. P. 506.